

ХАЛҚ НАВОИЙНИ ШАРАФЛАМОҚДА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ИЛ ЧИҚИШИ

№ 189 (3927).

26

СЕНТЯБРЬ

ПАИШАНБА

1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

Кеча Тошкентда ўзбек халқининг
улуғ фарзанди Алишер Навоий-
нинг 525 йиллик юбилейига бағиш-
ланган тантаналар бошланди.

АЛИШЕР НАВОИЙ—ЗАМОНДОШИМИЗ

АЛИШЕР НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 525 ЙИЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШИ



Тошкент, 1968 йил 25 сентябрь. Ўзбекистон ССР Давлат катта академик театри биносида Алишер Навоий юбилейига бағишланган тантанали йиғилишнинг очилиши.

А. Тўраев фотоси.

Алишер Навоий асрлар буйи
яшаш ва абадий навқиронлик де-
макдир. Унинг буюк даҳоси ҳозир
ҳам кишилар қалбини иситмоқда,
уларни эзгуликка, адолатга, тинч-
ликка, бахт-саодатга чорламоқда.
25 сентябрда Ўзбекистон ССР Дав-
лат катта академик театри биноси-
да ўзбек адабиётининг асосчиси,
Ўзбек халқининг улуғ фарзанди
Алишер Навоийнинг 525 йиллик
юбилейига бағишланган тантанали
йиғилиш бўлиб ўтди. Ана шу мух-
ташам театрининг ўзи бутун мамла-
катимиз тўйини тантана билан
нишонлаётган ўлмас буюк инсонлар-
вар сиймонинг номи билан атал-
гандир.

Саҳнанинг тўрида Алишер На-

воийнинг гуллар билан безалган
портрети нигоҳ ташлаб турибди.
Тошкент меҳнаткашларининг, Ўз-
бекистон шаҳар ва қишлоқлари
меҳнаткашларининг, Совет Итти-
фоқидagi қардош республикалар-
нинг намоёндалари залда лиқ ту-
ла.

Йиғилиш президиумида КПСС
Марказий Комитети Сийёсий биро-
си аъзолигига кандидат, Ўзбеки-
стон Компартияси Марказий Коми-
тетининг биринчи секретари Ш. Р.
Рашидов, Ўзбекистон Компартия-
си Марказий Комитети биринчи
аъзолари ва аъзолигига кандидат-
лар И. Г. Анисимкин, В. Г. Ломо-
носов, Н. Г. Ляпченко, Н. М.
Матчонов, М. М. Мусахонов, Е. С.

Насриддинова, Р. Н. Нишонов,
М. А. Абдуразақов, С. Р. Расу-
лов, М. Т. Турсунов, СССР Ми-
нистрлар Совети ҳузуридаги Мат-
буот комитетининг раиси Н. А.
Михайлов, КПСС Марказий Коми-
тети бўлим муҳрирининг ўринбоса-
ри Ю. С. Мелентьев, ВЛКСМ
Марказий Комитетининг биринчи
секретари Е. М. Тяжельников,
Ўзбекистон ССР Министрлар
Совети Раисининг ўринбосарлари
С. О. Азимов, Г. А. Габриельянц,
С. К. Зиёдуллаев, М. З. Мирза-
ахмедов ўтирибдилар.

Президиумда улар билан бира-
титифокдош республикаларнинг
делегациялари ва бешта қитъанинг
бизучилари — Тошкентда кеча-

гина ўз ишини тутатган «Адабиёт
ва ҳозирги дунё» мавзусидаги халқ-
аро симпозиумнинг қатнашчилари
ўтирибдилар.

Тантанали йиғилишда КПСС
Марказий Комитети Сийёсий биро-
си аъзолигига кандидат, Ўзбеки-
стон Компартияси Марказий Коми-
тетининг биринчи секретари Ш. Р.
Рашидов очди.

Азиз ўртоқлар дўстлар!
Қардош совет республикалари-
дан ва чет эллардан келган азиз
меҳмонлар! — дейди ўртоқ Раши-
дов.

Бутун биз шонли тарихий сана-
ти — гениал ўзбек шоири ва му-
тафаккири, олим ва давлат арбо-
би, фан ва маданиятнинг толмас

ҳомийси, ҳақиқат ва адолатнинг
жўшқин жарчиси Алишер Наво-
ий туғилган куннинг 525 йилли-
гини тантанали равишда нишон-
ламоқдамиз.

Улуғ ватандошимизнинг юбиле-
йи — Ўзбек халқининг, бутун кўп
миллатли совет маданиятининг,
бутун тараққийпарвар башари-
нинг катта ва қувончли байрами-
дир. Бу — ақл-идрок ва маъриф-
ат байрами, ҳаётбахш ғоялар ва
буюк поэзиянинг, инсонпарварлик
ва тинчликсеварликнинг, халқлар
дўстлиги ва қардошлигининг та-
нтанасидир. Шу порлоқ байрам кў-
ни совет кишилари, цивилизация-
ни қадрловчи ҳамма кишилар улуғ
Навоийни, жаҳон бадийи мадания-

ти хазинасига олтин фонд бўлиб
кирган, ўлмас асарлар яратган
зотга самимий меҳр-муҳаббат ва
чуқур ҳурматларини изҳор қил-
моқдалар.

Алишер Навоий жуда бой ада-
бий мерос қолдирди. Унинг «Хам-
са»сига кирган «Ҳайратул Абзор»,
«Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва
Мажнун», «Сабъан Сайёра» ва
«Садди Искандарий» деган ажой-
иб дostonлари, унинг «Хазойинул
маоний» яъни «Маънолар хази-
наси» деб аталган тўрт девони —
«Гаройибус-сиғар», «Наводируш-
шабоб», «Бадойиул-васат» ва
«Фавоидул-қибар» — булар ин-
сон даҳосининг чинакам улуғ ёд-

горлигидир. Бу асарлар жаҳон
адабиётининг энг улуғ арбоблари
асарлари билан бир қаторда ту-
ради.

Навоий ўзининг бадийи асарла-
рида ўз халқининг эзгу ораву-
умидлари ва муддаоларини,
инсонга муҳаббат ва ҳурмат оли-
жаноблиги туйғуларини тараннум
эти. У бутун умр бўйи эркин жа-
миятни, ўз халқига бахт-саодат
келтирувчи гузал кишиларни ораву
қилди. Шу оравулар шоир ижодида
ўз аксини топди. Унинг қаҳрамон-
ларига ҳос бўлган инсоний фазил-
латлар ҳақида гузаллик намуна-
си бўлиб хизмат қилади. Ҳақиқат
улардан иборат олинмаган бўла-
ди.

Орадан беш асрдан кўпроқ
вақт ўтган бўлса ҳам инсоният
Алишер Навоийнинг ижодий жи-
сирати улуғворлигига ҳали ҳам
қўйиш қолмоқда. У ўзининг гени-
ал асарлари билан ўз умрини бо-
қий қилди. У асрлар оша бизнинг
давримизга етиб келди. Унинг
номи, у яратган асарлар авлодлар-
нинг дилида яшамокда.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва
кўп қиррели фазилати — ўз хал-
қига, ватанига, бутун инсониятга
саломат билан хизмат қилиш на-
мунасидир. Бу зот феодал ўрта ас-
рининг муҳдиш даврида ақл-ид-
рок маънавий алампалатиди ва
инсонпарварлик байрогини баланд
қўтарди. Бу зот ўша вақтдаги
мушайб ҳукмронликка ва бедо-
ликка қарши, юксак инсоний иде-
аллар учун, халқ оммаси турму-
шини яхшилаш учун, адолат ва
маърифат учун дадил кураш бош-
лади. Бу зот ўз халқининг даҳо-
сини, унинг энг яхши фазилатла-
рини ўзида мужассамлаштирди ва
ўз тандирини тарихнинг абадий
ижодкори бўлган халқ билан,
унинг ҳамма эзгуликка ва олий-
ҳимматликка, чинакам турмуш ҳа-
қиқатига интилиши билан бир
умрга боғлади.

Алишер Навоий ўз юртининг
оташин ватанпарвари, инсонпар-
варлик ва халқлар дўстлигининг
улуғ кўйчиси бўлиб тарихга кир-
ди. Ватанга муҳаббат унинг ра-
нақи тўғрисида қайғуриш, меҳнат-
га ҳурмат, баркамол ва эркин
шахсни қўйлашга интилиш, ин-
сония севиш — улуғ шоир ижо-
дининг мазони ва энг асосий маз-
муни, унинг асарларидаги асосий
ғоялардир.

(Давоми 2-бетда).

РЕЗЕРВЛАРНИНГ ЛЕНИНЧА КЎРИГИ

В. В. Куйбишев номи Каттақўрғон ёғ-мой комбинати коллективининг В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига олган
СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

В. В. КУЙБИШЕВ НОМИ КАТТАҚЎРҒОН ЁҒ-МОЙ
КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ТАШАББУСИ
МАЪҚУЛЛАНДИ

В. В. Куйбишев номи Катта-
қўрғон ёғ-мой комбинати коллек-
тивини социалистик мусобақани ажи-
лдириб, беш йилликнинг ўтган
даври мобайнида планга қўшим-
ча тарзда 2 миллион сўмлик мах-
сулот тайёрлади. Бу корхонага
ИПСС Марказий Комитети, СССР
Олий Совети Президиуми, СССР
Министрлар Совети ҳамда ВЦПС
нинг Эсдалки Бироғи берилган.

Эндиликда бу корхона коллек-
тив В. И. Ленин туғилган кун-
нинг 100 йиллигини муносиб кў-
тиб олиш юзасидан бошланган
умумхалқ социалистик мусобақа-
сига қўшилди. Комбинатда янги
кутулган ҳаракат — резервларнинг
ленинча кўриги бошланди. Кор-

хонанинг ишчи, инженер-техник
хизматчилари беш йиллик мобайнида махсулот иш-
лаб чиқаришда 11 миллион сўм-
лик қўлайтириш ва планга қў-
шимча равишда 4,7 миллион сўм-
лик махсулот тайёрлаш юзасидан
социалистик мажбурият олдилар.
Корхона меҳнат ахлининг ҳар би-
ри зиммасига шахсий мажбурият-
лар олди.

Комбинат меҳнаткашлари
бу қимматли ташаббус В. И. Ле-
нинга умумхалқ муҳаббати ҳам.

да меҳнаткашлар ижодий фаолли-
гининг яна бир намунасидир. Бу
ташаббус ҳар томонлама маъқул-
лашга ва қўллаб-қувватлашга ло-
яндирди. Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети Каттақўрғон
ёғ-мой комбинати меҳнаткашла-
рининг ташаббусини маъқуллади
ҳамда партия, касба союз ва идора-
лар миқдоридаги таълим ва маъна-
вий тарбиянинг асосий шартлари
ни зиммасига ана шу ташаббусни
кечирди. Облест,

шаҳар ва район партия комитет-
лари, касба, транспорт, алоқа
ва куришлик корхоналари ва таъ-
килотларининг бошланғич пар-
тия, касба союз ва комсомол
ташкилотларига каттақўрғонлик-
лар сингари қўшимча резервлар-
ни қидириб топишда ҳамда зим-
маларига олган социалистик маж-
буриятларни бажаришда ёрдам
кўрсатиш тақлиф этилди.

Республика газеталари редак-
цияларига, Ўзбекистон ССР Ми-
нистрлар Советининг Радиошит-
тириш ва телевидение давлат но-
митети оширилган социалистик
мажбуриятларнинг бажарилиши-
ни мунотазам ёритиб туриш топ-
ширилди.

беш йилликда товар махсу-
лотининг таннархи 500 минг
сўмга арзонлаштирилди, 550
минг сўмлик планга қўшимча
фойда қўрилди.
меҳнат унумдорлиги 6,5 про-
цент кўтарилди, ишлаб чиқ-
аришнинг рентабеллиги 0,2 про-
цент ортади.
зиммага олинган мажбурият-
ларни бажармоқ учун давлат
банкни суудалари ҳисобига ку-
йидаги тадбирлар амалга оши-
рилади;

соапсток ёғли кислоталари-
ни дисциллацияламоқ учун
учинчи линия қуриб биткази-
лади ва ишга солинади. Бун-
дан қўрилган иқтисодий са-
мара 390 минг сўмдир. Бу тад-
бир 1969 йилнинг учинчи
кварталида рўёбга чиқади.
Соапсток ёғли кислота дис-
циллацияси пехида ҳозир ишлаб
турган ламба-дам ишлайдиган
дисциллацион куб ўрнига бетўх-
тов ишлайдиган куб ўрнатила-
ди. Бундан қўрилган сама-

ра 96 минг сўмдир. Бу тадбир
1969 йилнинг учинчи кварта-
лида амалга оширилади.
Совун пишириш пехида уз-
луксиз совун пишириш ускуна-
сини фойдаланишга топширмоқ
учун 75 километр сингиллик
қозон 1968 йилнинг тўртинчи
кварталида ўрнатилади. Худ-
ди шу сингиллик иккинчи қоз-
он 1969 йилнинг тўртинчи
кварталида қуриб битказилади.
Бу тадбирлардан қўрилган
иқтисодий самара 65 минг сўм-
дир.

ёғ тозалаш технология жа-
раёнин янада таъминлашти-
рини учун рафинация пехида
қўшимча тарзда иккинчи нейтра-
лизатор ва бешта қуриш ап-
парати ўрнатилади. Натикада
пехида иш унумдорлиги 90 про-
цент кўтарилади. Бундан қўри-
ладиган самара 50 минг сўм-
дир. Тадбир 1969 йилнинг би-
ринчи кварталда амалга оша-
ди;

ҳўжалик совуни тайёрламоқ
учун вакуум-қуриш ускуна-
сининг иккинчи линияси қуриб
томоғланиб, ишга туширилади.
Бундан қўрилган иқтисодий
самара 48 минг сўмдир. Тад-
бир 1968 йилнинг тўртинчи
кварталида рўёбга чиқади;
урут тозалаш бўлими ре-
конструкция қилинади. Бу
бўлимда «ЧСП» тозалаш-
лари ўрнатилади. Бундан 33

минг сўм иқтисодий самара қў-
рилади. Бу ишни 1970 йил-
нинг тўртинчи кварталда
амалга ошириш мўжламлидир.

Урут тушириш механизми
қилинмоқ ва иккинчи пневмати-
к қуришларини ишга сола-
моқ учун учинчи лентали транс-
портёрда ҳаво остида қилинади.

Бундан қўрилган иқтисодий са-
мара 13 минг сўмга тенгдир.
Бу иш 1969 йилнинг иккинчи
кварталида амалга оширилади,
уруни ишлаб чиқариш пехи-
ларига таъминоти механизми
ламоқ учун иккинчи «КШП-3»
юк туширгичлари фойдаланиш-
га топширилади, бундан 8 минг
сўм фойда қўрилади. Бу иш
1968 йилнинг тўртинчи квар-
талида рўёбга чиқади.

ёғни қабул қилиш ва асраш
учун ҳар бирининг сингил 400
кубометрдан бўлган 7 та бақ
қурилади. Улар 1968-1969
йилларда ишга туширилади;
экстракция пехида ёғ дис-
циллация қилинганидан сўнг
унинг ҳароратини аниқловчи
автоматик ускуна монтаж қи-
линади. Бу ускуна ёрдамида
пех биноларида бензин бўғла-
ри миқдорини ҳам автоматик
тарзда аниқлаш мумкин. Бу иш
1968-1969 йилларда амалга
ошади.

шелуха учун пневмотранс-
порт қурилади. Бундан қўри-
ладиган иқтисодий самара 15
минг сўмлик. Бу иш 1970
йилда рўёбга чиқарилади;

техника хавфсизлигини таъ-
минлаш, меҳнатни муҳофаза
қилишнинг яхшилаш, саноат са-
ниитариясини дуруст йўлга қў-
йиш ҳамда меҳнаткашларга
маданий ва маънавий хизмат кў-
рсатишнинг яхшилаш мақсадида
қуйидаги тадбирлар амалга
оширилади:
шрот учун пневмотранспорт

ўрнатиш, ҳавони тозалаш тура-
диган вентиляция системала-
рини ишга солиш, патрон филь-
трлар ўрнатиш, шпекли бул-
латувчилар ўрнатиш советлик
ҳамда шротини кондициялаш
ҳамда тутишмоқда. Бу ишлар
1969-1970 йилларда амалга
ошади.

Сув омбори бўлида дам
олиш зонаси изолаторларини қу-
риш ва бу юзидан ободонлаш-
тириш мўжламлидир. Бу ишлар
1969 йилнинг иккинчи
кварталида амалга ошади;
спорт зали қурилиши 1969
йилда туғиланади;

газ сув сотиладиган павиль-
он ҳамда сўт-қатик сақланади-
ган холоидильниклар қурилади.

Бу ишлар 1969 йилнинг би-
ринчи кварталда битади;
ариқларга ва ишлаб чиқа-
риш пехларининг саҳнига бе-
тон ётиқилади. Бу ишлар
1968-1969 йилларда битади.

Гулар учун юзта гувак тай-
ёрланиб, комбинат территория-
сига қўйилади. Бу ишлар 1969
йилнинг тўртинчи кварталда
битади. Комбинат территория-
сида ҳамда дам олиш жойлари-
да 1500 та чинор, 5000 та атир
гул қўчатлари ўтказилади.

2000 та манзарали дарахтлар
экилади. Бу ишлар 1969 йил-
нинг биринчи кварталда бажари-
лади.

Комбинат ҳузурида маънавий
хизмат кўрсатиш бўлими қури-
лади. Бу бўлимда душлар, сар-
тарошхона, кий товчи хонаси,
этиқидилини устaxonаси, мани-
кюр хоналари бўлади. Бу иш-
лар 1970 йилгача битади;

Оржоникидзе районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхози асосан уруғлик пахта етishtиради. Хўжаликда йнгим-терим ешлари кпзтиб юрилади. Пахта механизмларбонан прицепларга ортпбл, пунктга жўнатишмоқда. 3-бригада аъзолари 100 гектар ерда 46 центнердан терил кўтарип чичи курашпгилар. Сўбатда: шу бригадалар терилдан пахта қабул пунктп йўлида. С. Махов фотоси.

